



Диний фанларнинг асосини Куръоний илмлар деб аталадиган «Улум ал-Куръон» соҳаси ташкил этади, десак муболага бўлмайди. Куръоний илмлар орасида Куръоннинг нозил бўлиш сабаблари, оятларнинг нима максатда эндирилгани, оятларнинг вахий этилишида қайси воқеалар ёки ҳодисалар сабаб бўлганини ўрганадиган фан ҳам борки, у ўз номи билан «Асбоб ан-нузул» деб аталади.

Куръони Карим икки қисмга бўлинади:

Аллоҳ таолодан ҳеч қандай сабабга, воқеага боғлиқ бўлмаган ҳолатда нозил қилинган оятлар. Бунда фақатгина халқни ҳаққа ҳидоят қилиш назарда тутилган бўлади. Чунки, Куръони Карим инсониятни ҳидоят қилиши учун, уларни тўғри йўлга бошлаш учун нозил қилинган. Унинг асосини Аллоҳга ва унинг Расулига иймон келтириш, Аллоҳ ва унинг Расулига итоат этиш, қиёмат бўлишига ишониш қабилар ташкил этади. Бундай ояти қарималар жуда кўп. Бундай оятлар ўтган пайгамбарлар ва умматларнинг қиссалари, қиёматдан берилган хабарлар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчи қисмга эса бирорта сабабга боғлиқ равишда нозил қилинган оятлар қиради. Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва саҳобалар иштирокида ўтган бирор бир ҳодисага аниқлик киритиш, саҳобалар орасида тарқалган икки хил фикрнинг тўғриси билдириш, қандайдир саволга жавоб бериш, бирор бир феъл ёки гапга нисбатан шариатнинг ҳукми қанақалигини кўрсатиш қабилар оят нозил бўлишига сабаб бўлган. Лекин шуни таъкидлаш керакки, сабабга боғлиқ ҳолатда нозил қилинган оятларнинг ҳаммасини ҳам аниқлашнинг имконияти йўқ. Чунки бу нарса уламоларга етиб келган аниқ хабарлар, саҳих ривоятлар, мутавафотир нақлларга боғлиқдир. Бинобарин, бу борада келган ана шундай хабар, ривоят ва нақлларнигина олинади. Шунинг учун бундай хабар, ривоят ва нақлларни ўрганадиган ва натижаларни таҳлил қиладиган алоҳида илм пайдо бўлди ва унинг номи «Асбоб ан-нузул» деб аталди. Бу илмнинг моҳир билимдонлари ўз асарларини яратдилар. Уларнинг энг машҳурлари ҳақида бу ерда айтиб ўтмоқчимиз.

1. Муҳаддислар султони Имом ал-Бухорий (810-870)нинг шайхи–устозларидан бири Али

ибн ал-Мадиний асари. Ибн ал-Маданий кунияси билан танилган бу зот Али ибн Абдуллох ибн Жаъфар ибн Нужайх ас-Саъдийдир. Ислом хофизларидан ва таникли имомларидан бири бўлмиш Ибн ал-Мадинийнинг илми нақадар юксаклигига ишора қилиб, Имом ал-Бухорий: «Мен ўзимни фақат Ибн ал-Мадиний олдидагина кичик санаганман!» деган экан. Ибн ал-Мадинийдан Имом Ахмад ибн Ханбал (780-855), Имом ал-Бухорий, Имом Абу Довуд (817-889) каби зотлар ҳадис ривоят қилганлар. Унинг тафсир борасидаги нақллари бил-восита Имом ат-Термизий (824-892), Имом ан-Насоий (вафоти 303/915) ва Ибн Можжа (824-886)лар ривоят қилишган. «Ҳадисларни танишда тенгсиз» деб мадх қилинган Ибн ал-Мадиний 161/777 йилда тугилиб, 234/849 йилда зулкаъда ойдан икки кун қолганда 73 ёшларида вафот қилган. Унинг «Асбоб ан-нузул» асари бу соҳадаги илк ёзилган манба сифатида танилган, лекин бизгача етиб келмаган, фақатгина муҳаддислар орқали ривоят қилган нақллари мавжуд.

2. Абдурахмон ал-Андалусий асари. Унинг тўлик исми Абул Мутарриф Абдурахмон ибн Марвон ибн Абдуррахмон ал-Ансорий ал-Кунозийий ал-Куртубий бўлиб, факих, муфассир ва муҳаддис сифатида танилган. Дуолари ижобат бўладиган зотлардан бири ҳисобланган. «Шарх ал-Муватто», «Мухтасар тафсир ал-Куръон», «Китоб аш-шурут» каби асарлар таълиф қилган. 341/953 йил тугилиб, 402/1012 ёки 413/1023 йилда вафот этган. Унинг асарини Абу Наср Сайфуддин Ахмад ал-Исбартегиний (тахминан, XVI аср) форс тилига таржима қилган. ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 8939 тартиб рақами билан сақланаётган «Асбоб ан-нузул»га оид форс тилидаги асар мазкур таржима бўлиши мумкин.

3. Имом ал-Воҳидий (вафоти 468/1076)нинг асари. «Асбоб ан-нузул» бобидаги энг машҳур ва энг эътиборли асар унинг қаламига мансубдир. Шунинг учун биз унинг ўзи ва асари ҳақида алоҳида тўхталамиз.

4. Муҳаммад ибн Асъад ал-Акрофий асари. У Муҳаммад ибн Асъад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Акрофий ал-Ирокий бўлиб, Ханафия мазҳабига мансуб олимлардан. Ўзининг воизлиги билан ҳам танилган. Дамашқда яшаган факих, адиб ва муфассирдир. «Шарх ал-мақомот ал-Харирий» асаридан ташқари тафсири ҳам бор. 484-567/1092-1172 йилларда яшаб ўтган.

5. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн Шуайб ал-Мозандароний (вафоти 588/1192) асари. Эроннинг Мозандарон шаҳридан чиққан муфассир олимлардан. Унинг «Асбоб ан-нузул» соҳаси бўйича асари борлигини «Кашф аз-зунун»да зикр қилинган.

6. Имом ал-Жаъбарийнинг асари. У Бурхониддин Абу Исхок Иброҳим ибн Умар ибн Иброҳим ар-Раъбий ал-Жаъбарий бўлиб, Мисрнинг Жаъбар қалъасида 640/1243 йилларда тугилган. Ўнта кироатда имом даражасига етган бу зот – кироат, ҳадис, тафсир, таърихга оид юзга яқин асарлар муаллифи. Жумладан, «Шотибия»га ажойиб шарҳ битган. У 732/1332 йилда рамазон ойида вафот қилган. Имом ал-Жаъбарийнинг асари ал-Воҳидий асарида келган ривоятларнинг иснодини қисқартириш эвазига алоҳида қисқача манба сифатида ишланган.

7. Имом Ибн Таймиянинг асари. У Абул Аббос Такий ад-дин Ахмад ибн Абд ал-халим ибн Абд ас-салом ибн Таймийя ал-Харроний бўлиб, 661/1262 йилда тугилган. Ўз даврининг машҳур олимларидан дарс олган ва оз фурсатда Ислом оламининг энг машҳур алломаларидан бирига айланган. Жуда кўплаб асарлар таълиф қилган. Жумладан, «Минҳож ас-сунна», «ал-Фатво ал-хамавийя», «ал-Воситийя» каби асарлари мавжуд. У анъанавий Ислом қаломи ва фикхидан бошқача фикрлари учун каттик қаршиликка учраган. У маҳбусликда 728 йил зулкаъда ойида/1327 йил сентябрда вафот этади. Ибн

Таймиянинг «ат-Тибён фий нузул ал-Куръон» номли рисоласи унинг асарлари куллиёти таркибида 1905 йил Мисрда нашр этилган. Мазкур асари кичик хажмли бўлса-да, бироқ фойдали фикр ва маълумотларга бой.

8. Имом Ибн Хажарнинг асари. Ахмад ибн Али ибн Мухаммад ал-Канноний ал-Аскалоний – Ислоннинг улуг олимларидан бири. У Фаластиннинг Аскалон кишлогидан бўлган, 852/1449 йилда Кохирада вафот килган. Озрок муддат козилик хам килган. 50 дан ортик асарлар таълиф этган. Энг машхур асари «Фатх ал-Борий шахр сахих ал-Бухорий» хисобланади. Унинг асари «ал-Уъжоб фий баён ал-асбоб» деб аталган. «Асбоб ан-нузул» бобидаги барча маълумотларни тқплаб йирик хажмда килишни мўлжаллаган, лекин кўлёмза холида охирига етмаган холда колиб кетгани зикр этилган.

9. Имом ас-Суютийнинг асари. У Жалолиддин Абул Фазл Абдурахмон ибн Камол Абу Бакр ибн Мухаммад ибн Собик ал-Хузайрий ас-Суютий бўлиб, 849/1445 йилда Кохиранинг жанубидаги шахарча Асют (Усйут)да тугилган. Нисбаси шундан олинган. Ўз даврининг энг етук устозларидан дарс олди ва ўзи хам «Шайхуния» мадрасасида таникли шогирдлар чикарди. У 500 дан ортик китоб ва рисоалар таълиф килган. Жумладан, устози Жалолиддин Махаллий (вафоти 864/1460) билан иккови каламига мансуб «Тафсири Жалолайн» жуда машхур. Бундан ташкари, «ал-Иттикон», «Жомеъ ас-сагийр», «Хусн ал-мухозара», «Табакот ал-хуффоз» ва бошка асарлари толиби илмларнинг энг керакли китоблари сирасига кириб улгурган. Унинг Куръон оятларининг нозил бўлиш сабабларига оид асари «Лубоб ан-нукул фий асбоб ан-нузул» деб номланган. Имом Суютийнинг асари гарчи Имом ал-Вохидий асари асосида тартиб берилган бўлса-да, бироқ, «Асбоби нузул»га оид асарларнинг энг мукаммали, энг тўликлиги билан ажралиб туради. Суютийнинг мазкур асари «Асбоб ан-нузул» номи билан Мисрда 1873 йилда алохида китоб бўлиб нашр этилган, «Лубоб ан-нукул фий асбоб ан-нузул» номи билан эса «Тафсири Жалолайн»нинг хошиясида Мисрда 1897, 1909 йилларда ва Козонда 1910 йилда нашр килинган. Айни асар Карочида хам Куръони Каримнинг хошиясида 1894-1900 йилларда кайта-кайта нашр этилган.

10. Мукбил ибн Ходий ал-Водиъий асари. Ямандан чиккан салафийларнинг олимларидан. 50 дан ортик асарлар таълиф килган. У 1944-2001 йилларда яшаган бўлиб, Жиддада вафот килган. Ўз мактаба (мадраса)сида юзлаб шогирдларга илмий маърузалар ўкиган. Ал-Водиъийнинг «ал-Жомеъ ас-сахих мимма лайса фи-с-сахихайн» номли асарида Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг сахих хадис тўпламларига татимма сифатида кўшимча сахих хадислар тўпланган! Унинг «Асбоб ан-нузул» фанига багишланган китоби «ас-Сахих ал-муснад мин асбоб ан-нузул» деб аталган бўлиб, Риёзда 188 сахифалик килиб нашр этилган. Асарда оятларнинг нозил бўлиш сабаблари айтилган сахих хадис ва ривоятлар жамълашга харакат килинган. Бу китоб «Асбоб ан-нузул» фанига багишлаб ёзилган охириги китоблардан хисобланади.

Куръон Карим оятларининг нозил бўлиш сабаблари хакида сўз юритган олиму муфассирлар жуда кўп. Чунки хар бир муфассир улар хакида гапирмасдан иложи йўк. Демак, оятларнинг нозил бўлиш сабаблари тўгрисида хар бир тафсир китобидан озми-кўпми маълумот олиш мумкин. Шунингдек, Куръоний илмларга оид асарларнинг барчасида «Асбоб ан-нузул» хакида, албатта, гап боради.

«Асбоб ан-нузул» соҳасидаги энг машхур асар муаллифи, шубҳасиз, Абул Хасан Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Маттуя ал-Муттавий ал-Воҳидий ан-Найсобурий бўлиб, асли Эроннинг Нишопур шаҳридан. Нисбаси араб матнларида Найсобур, Нийсобур шаклида учрайди. Муттавий эса унинг катта бобоси Маттуяга нисбатан айтилган. У тижоратчилар оиласига мансублиги, боболари асли Сова шаҳридан бўлганлиги ҳам манбаларда кайд килинган. Ал-Воҳидий нисбаси нима учун қўллангани маълум эмас. Ал-Воҳидийнинг тугилган йили маълум бўлмаса-да, вафот қилган йили 468 хижрий йили жумодий ал-охир ойи эканлиги айтилган. Бу 1076 милодий йилнинг январь ойига тўғри келади. Ал-Воҳидийнинг Абдурахмон деган факих, хадисшунос укаси ҳам бўлган. Ёкут ал-Ҳамавий (1179-1229) «Мўъжам ал-булдон» асарида Абдурахмонни 487/1095 йилда вафот қилганлигини ёзган.

Ал-Воҳидий «Басит» асарининг муқаддимасида 9 ёшидан бошлаб илм оламига кириб келгани, Абул Фазл ал-Арузий олдида адабиёт илмини пухта эгаллагани, у ўқимаган девонлар қолмаганини кайд қилади. Абул Фазл ал-Арузийнинг олдида бир неча йиллар ўқиганидан сўнг устози унга «Энди етар, бас! Сен бутун дунё тан олган олим Абу Исхок ас-Саълабий олдида бор ва ундан тафсир илмини ўрганиб, Аллохнинг китобида кириш!» деганидан кейин у Имом ас-Саълабий (вафоти 427/1036) олдида тахсил олиб, тафсир илмини муфассал ўргана бошлайди. Шу орада у нахв илмини Абул Хасан ал-Кухандизий аз-Зарирдан ўрганади. Қўшимча равишда Абу Имрон ал-Мағрибий ал-Моликийдан дарс олади. Куръонни тўғри ўқиш ва кироат илмини Абул Косим Али ибн Аҳмад ал-Бустийдан ўрганган. Унинг олдида Куръонни бир неча марта хатм қилиб ўқиб берган. Шунингдек, ал-Воҳидий Ибн Мехрон (906-992), Абу Усмон Саид ибн Муҳаммад ал-Хийрий (XI аср), Абул Хасан Али ибн Муҳаммад ал-Форисий (XI аср) каби кироат илми билимдонлари олдида кироат илмини муқаммал эгалайди.

Имом ас-Суютий (1445-1505) ўзининг «Табакот ал-муфассирийн» асарида Имом ал-Воҳидий кўплаб шогирдлар етиштирганини кайд қилади ва уларнинг энг машхурларини санаб ўтади. Имом ал-Воҳидийга шогирд бўлганлар жумласига Аҳмад ибн Умар ал-Аргийоний ва Абдулжаббор ибн Муҳаммад ал-Ховарийлар ҳам кирган.

Ибн Халликон (1211-1282) ўзининг машхур «Вафийёт ал-аълум» асарида Имом ал-Воҳидийни «Ўз даврида тафсир ва нахв устози, ўз таснифотлари билан бахтга эришган, одамлар асарларининг гўзаллигига тан берган, мударрислар ўз дарсларида уларни зикр қиладиган зот» деб таъриф беради. Ибн Халликон яна Хужжат ал-ислом Абу Хомид Муҳаммад ал-Газзолий (вафоти 505/1111) унинг асарларидан таъсирланганини ёзади. Маълумки, Газзолийнинг фикхга оид уҳта асари ҳам Имом ал-Воҳидийнинг тафсирга оид уҳта асарининг номи билан бир хилдир.

Ибн Кози Шихба (вафоти 851/1448) «Табакот аш-Шофиъия» асарида Имом ал-Воҳидийни нахв ва лугатда имом, факих, шоир, тафсирда эса ягона зот, деб васф қилган.

Ибн Абул Вафонинг «Жавохир ал-музийяа фий табакот ал-Ханафия» китобида Муҳаммад ибн Абу Бакр Абу Тохир ал-Бусанжий (XI аср охири – XII аср боши) зикрида айтилишича, «Хидояи шариф»нинг муаллифи Бурхониддин ал-Маргилоний (вафоти 593/1197) ўзининг «ал-Машихат» асарида Абу Тохир ал-Бусанжий Марвда унга барча эшитган илмларида ижозат (шаҳодатнома) берганлигини айтган ҳамда устози

ал-Бусанжийнинг Имом ал-Вохидийнинг «Тафсир ал-Васит» асарини ўз кўли билан кўчирганлигини зикр қилган экан. Шунингдек, Бурхониддин Маргилоний мазкур китобида ал-Бусанжий оркали Имом ал-Вохидийдан Анас (610-712) (розияллоху анху)нинг марфуъ хадисини ривоят қилган: «Шак йўкки, Аллох таолонинг бир фариштаси хар намоз пайти нидо қилади: «Эй, Одам болалари! Ўз нафсларингизда ёккан оловларингизга туринглар-да, уни намоз ила ўчиринглар!» Мазкур нақлдан Имом ал-Вохидийнинг хадис илмида ҳам ўз ўрни борлигини билиш мумкин.

Имом ал-Вохидийнинг илми нихоятда юксаклиги, ёзган асарлари жуда кадрли бўлиши билан бирга баъзи таърихчилар унинг салбий томонларини ҳам тилга олиб ўтганлар. Жумладан, Тожуддин ас-Субкий (вафоти 771/1370) ўзининг машхур «Табакот ал-кубро» тазкирасида зикр қилишча, Абу Саъд ас-Самъоний (1113-1167) «Китоб ат-тазкира» номли асарида: «Гарчи ал-Вохидий хурмату эхтиромга лойик зот бўлса-да, лекин тили аччик одам эди», деб эслайди. Ёкут ал-Хамавий ҳам унинг ўтган уламоларга бепарволик билан кўплаб таъна қилганлигини ёзади. Шу билан бирга, Ёкут ал-Хамавий Имом ал-Вохидийнинг илми буюклигини қайд қилиб, у ҳақда мана бундай шеър тарқалганини зикр қилган:

Олам жамъ бўлди-ку бир кимсада,

Бизнинг олимимиз таникли ал-Вохидий-да!

Имом ал-Вохидий ўзидан ўнлаб асарлар мерос қолдирган бўлиб, барчаси эътиборли манбалар ҳисобланади. Биз уларнинг айримларини бу ерда қайд қиламиз:

- 1) «ал-Басит» – тафсирга оид асар бўлиб, Ибн Шихба айтишига караганда 16 жилд бўлган. Унинг бир кўлёмасини мусташирик Карл Броккелман (1868-1956) Миср кутубхоналаридан бирида эканлигини эслатган;
- 2) «ал-Васит» – тафсирга оид бу асари «Басит»нинг 4 жилдга қисқарган шаклидир. Чунки асарнинг тўла номи «ал-Васит байн ал-макбул ва-л-басит» деб аталган. Бу асарнинг кўлёмма нусхалари Германия, Хиндистон, Туркия, Миср ва Халаб шаҳарларида сақланади. Унинг бир кўлёмма нусхаси Тошкентда Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институти кўлёммалар фондида №3156 тартиб рақами билан сақланади;
- 3) «ал-Важиъ» – тафсирга оид бу асар юқорида номлари тилган олинган китобларининг қисқарган мўъжаз шакли бўлиб, кичик бир жилд ҳажмидадир. Унинг кўлёмма нусхалари Туркия ва Миср кутубхоналарида мавжуд. Шунингдек, ЎзР ФА ШИ кўлёммалар фондида унинг икки кўлёмма нусхаси №№ 5115, 6349 тартиб рақамлари билан сақланади;
- 4) «Китоб тафсир ан-Набий» – Ёкут ал-Хамавий тилга олган бу асарда Имом ал-Вохидий Пайгамбар (алайҳиссалом)дан баъзи оятларга берилган тафсирларни бевосита саҳих хадислар оркали етиб келганини жамлаган кўринади. Демак, китоб тафсир бил-маъсурнинг бир етук намунаси бўлган. Карл Броккелманнинг «Жомеъ ал-баён фий тафсир ал-Куръон» деб атаган муаллифнинг асари шу бўлса керак ва унинг бир кўлёммаси Эрон кутубхонасида сақланиши айтилган;
- 5) «Асбоб ан-нузул» – мазкур асарида муаллиф Куръон оятларининг нозил бўлиш сабабларини таҳқиқ ва таҳлил қилади ва бу борадаги саҳих ривоятларни тўплайди. Асарнинг кўлёмма нусхалари Англия, Германия, Миср, Халаб кутубхоналарида сақланади. Асар бир неча марта нашр этилган.
- 6) «Китоб нафий ат-тахриф ъан ал-Куръон аш-шариф» – асарда Куръони Каримни ўзгаришлардан, уни бузиб талкин қилишлардан сақлаш мақсадида баъзи кўрсатмалар берилган, айрим шахсларнинг оятлар маъносини нотўғри талкин қилганларини танқид

килинган;

7) «Китоб ад-даъовот» – асарда саҳих ривоятлар орқали Пайгамбар (алайҳиссалом)нинг қилган дуолари жамланган;

8) «ат-Танжиз фий асмоиллох» – асарда Аллох таолонинг гўзал исмлари шарҳ қилинган. Кичик ҳажмли рисола бўлган;

9) «Тафсир асмо ан-Набий» – Пайгамбаримиз (алайҳиссалом)нинг исмлари бир жойга жамланган ва уларга изоҳлар берилган;

10) «Китоб ал-мағозий» – Пайгамбаримиз (алайҳиссалом)нинг газотлари тўғрисида саҳих ривоятлар асосида сўз юритилган асар.

11) «Тафсир девони ал-Мутанаббий» – машҳур араб шоири Абу ат-Тоййиб ал-Мутанаббий (915-965)нинг девонига ёзган энг муқаммал ва муфассал шарҳи;

12) «Китоб ал-игроб фи-л-эъроб» – нахв илмига оид асари;

13) «Хура ал-маоний» – бағоят илмига оид асари. Битта қўлёзма нусхаси Ленинградда сақланади;

14) «ал-Ховий ли-жамъ ал-маоний» – бағоят илмига оид муфассал асар. Қўлёзма нусхаларидан бири Эрон кутубхоналаридан бирида сақланади.

Оятларнинг сабабини билишнинг фойдасини Имом Абу Исҳоқ аш-Шотибий (вафоти 790/1388) иккита деб билган. Биринчидан, оятлар сабабини билиш Куръони Каримнинг мўъжизакор эканлигини, инсониятни ожиз қолдирувчи, энг фасохатли ва энг бағоятли қимсаларни-да тонгу лол эттирувчи эканлигини англашдир! Иккинчидан, оятларнинг нозил бўлиш сабабларини билмаслик тафсир қилувчини шубҳа ва иккиланишлар гирдобига тушириб қўяди. Чунки оятларнинг нозил бўлиш сабабларига қараб, сўзларнинг маъносини тўғри ифодалаш, хитоб қилинаётган қимсаларнинг қимлигини билиш, оят қимлар ҳақида ва нималар тўғрисида ҳукм чиқараётганини билиш фақатгина унинг нозил бўлиш сабабини ўрганиш билангина бўлади.

Шунингдек, ҳукмларнинг шариятга киритилишида Аллох таолонинг қандай хикматлари борлигини билишнинг йўли ҳам оятларнинг нозил бўлиш сабабларига боғлиқ эканлигини айтиш ўринлидир. Бунда мўминнинг имони зиёда бўлади, қофирларнинг эса иймон келтиришига замин ҳосил бўлади.

Оятларнинг нозил бўлиш сабабларини билиш, аниқроғи, «Асбоб ан-нузул» илми ояти қарималарнинг маъноларини аниқ ва чуқур билишда муҳим аҳамият қасб этади. Бирор нарсага ёки қимсаларга ҳос оятларни ҳосланган ҳукм сифатида тушиниш, оятнинг зоҳирий маъноси билан чекланиб қолмаслик, қофирлар шаънида нозил бўлган оятларни мусулмонларга ҳам татбиқ қилмаслик, оятнинг нозил бўлиш сабабини билгандан кейин бирор илохий қалима ёки иборани лугатан аниқ ифодалаш, оятнинг бирор сабабга боғлиқлигини билгандан сўнг оятнинг ҳукмини ўша сабабга боғлиқдир, деган фатво чиқариш, ва, ниҳоят, оятнинг нозил бўлиши сабабини билганда уни ёд олиш, эслаб қолишнинг осон бўлиши қаби фойдалари борлигини айтиб ўтиш керак.

Имом ал-Воҳидий айтган: «Оятнинг тафсирини билиш унинг қиссасига нозил бўлиши

сабабига вокиф бўлмасдан мумкин эмас». Ибн Дакик ал-Ийд (вафоти 702/1302) айтган: «Оятнинг нозил бўлиш сабабини баён этиш Куръон маъноларини фахмлашда энг кучли йўлдир». Ибн Таймия айтган: «Оятнинг нозил бўлиш сабабини билиш оятни фахмлашни аниклаштиради. Чунки сабабни билиш мусаббаб (сабаб килинган)ни билишни келтириб чикаради».

Оятларнинг сабабини билиш жуда зарур ва лозим иш эканлигини сахобаи киромлар ҳам айтганлар. «Асбоб ан-нузул»ни билишга интилиш, уни пухта ўрганиш сахобалар давриданок бошланган эди. Тобеинлар, таба тобеинлар ва улардан кейинги табака вакиллари бу илмни шакллантириб олий даражага кўтардилар.

Жумладан, Ибн Умар (612-693) (розияллоху анху)нинг шогирди Нофеъ (вафоти 120/737)дан Ибн Умар харурий (хавориж)лар тўғрисида қандай фикрдалар, деб сўралганда, у: «Ибн Умар уларни халкнинг энг ёмонлари деб билади, чунки улар кофирлар тўғрисида нозил килинган оятларни мўминлар хақида ҳам деб изоҳ беришар эдилар», деб жавоб берган эканлар. Бу ривоятни Имом Бухорий ва Табарий (839-923)лар накл қилганлар.

«Ал-Бурхон фий улум ал-Куръон» китобида айтилишича, Ибн Аббос (619-686) (розияллоху анху)нинг халифа Марвон ибн ал-Хакам (623-685)нинг бир оятни нотўғри изоҳ қилганида, унга оятнинг нозил бўлиш сабаби бошқалигини айтиб, унинг изоҳини сабабга қараб тўғрилаб шархлаган экан.

Ривоят қилишларича, Хазрати Умар (585-644) (розияллоху анху) ўз амакиваччаси Кудома ибн Мазъун (589-657)ни Бахрайнга иш юзасидан жўнатган. У ердан Жоруд ибн ал-Муалло (вафоти 21/642) (розияллоху анху) келиб: «Кудома май ичиб, маст бўлди», деди ва айтган гапининг ростлигига Абу Хурайра (602-679) (розияллоху анху) гувоҳлик бериши мумкинлигини айтади. Хазрати Умар Кудомани чорлаб, унга дарра уришини айтганда, Кудома: «Аллохга касамки, агар айтганларидек, май ичган такдиримда ҳам, мени урмаслигиниз керак!» деди. Хазрати Умар: «Нима учун?» деганида, у Аллох таолонинг «Иймон келтирган ва савобли ишларни қилганлар учун гуноҳ йўқдир...» (Моида сураси, 93оят) оятини далил сифатида келтиради. Шунда Хазрати Умар унга: «Эй Кудома, сен таъвилни хато айтдинг, қачон Аллохга такво қилганингда эди, Аллохнинг харом қилган нарсаларидан узок бўлар эдинг!» дейди. Чунки бу ояти карима баъзи сахобалар май харом қилинмасдан аввал вафот қилиб кетган биродарларининг холи нима бўлишини Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)дан сўраган вақтларида нозил қилинган эди. Бу билан май харомлиги қатъий билдирилган оят нозил қилинмасдан аввал май ичиб юриб, вафот қилиб кетган мусулмонларнинг гуноҳлари йўқлиги англатилган эди. Бу ривоятни Абдурраззок (вафоти 211/827) ва Байхакийлар ишончли ровийлар орқали накл қилишган.

Тобеинларнинг улугларидан, хадис илми ва тушлар таъбири бўйича таникли зот Мухаммад ибн Сирин ал-Басрий (вафоти 110/729) Куръон ояти хақида сўраган бир кимсага: «Аллохдан кўрк, тўғриси айт! Куръонни Аллох нозил қилган нарса (сабаб)ларни биладиган зотлар (сахобалар) ўлиб кетишди», деган экан. Демак, Куръон оятининг нозил бўлиш сабабини аник билмагунча оятни шархлаш ёки унинг маъноси хақида гапириш жуда огир иш эканлигини таникли тобеин таъкидлаган эди.

Исломиий илмларнинг «Асбоб ан-нузул» деган соҳасини ўрганиш Куръонни чуқур билишда, оятларни тўғри изоҳлашда ва замонавий талқинини беришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу илмни билмаслик оқибатида араб тилини лугатан биладиган айрим «билогон» кимсалар мушриклар, кофирлар хақида нозил бўлган оятларни умумий қилиб

талкин ва шарх килаётгани ҳам сир эмас. Юкорида биз Хазрати Умар ва унинг ўгли Абдуллохнинг ривоятларида оятларнинг нозил бўлиш сабабларини билмаслик окибатида келиб чиқадиган натижаларнинг нақадар огир бўлишини билиб олдик. Инсон нузули сабабни билмасдан оят маъносини талкин килса, эътиқодда адашиб, хорижий каби оқимларга кўшилиб қолиши ёки май ичиб фиску фужурга берилиши мумкин экан. Биз хозирги даврда оятларнинг нозил бўлиш сабабларига эътибор бермасдан оятларнинг мазмунидан бошқача ҳукм чиқарилаётган ҳолатлардан иккитасини мисол тариқасида келтирмоқчимиз.

1. Баъзи кимсалар мулла ва имом домлаларнинг маърака ва чакирикларда Куръон ўқиб дуои фотиха ўқиганларидан сўнг хонадон эгасининг ҳадя ёки эҳсон тариқасида олдиға кўйган пул, тугунларини олишларини харом дейишиб, унга далил сифатида Аллох таолонинг: «Оятларимни озгина баҳога сотмангиз!» (Бақара сураси 41, 79, 174; Оли Имрон сураси 187, 199; Моид сураси 44; Тавба сураси 9-оятлар мазмунидан олинган) оятини келтирадилар. Холбуки, ушбу ояти карима Бани Исроил ва гайри динлар шаънида нозил бўлган бўлиб, уларга қарата айтилган эди. Гайри динларнинг уламолари эвазига бериладиган озгина моли дунё деб, бир қанча ояти карималарни ўзгартирган эдилар. «Тафсири Насафийда келишича, Тавротни эшитиб юрган яҳудлар ундаги Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) сифатлари ҳамда ражм (зинокорни тошбўрон қилиш) оятини ўзгартиргандилар, деб хабар беради. Замонамиз муфассирларидан Шайх Абдулазиз Мансур қайд қилишича, Имом Бағавий (вафоти 510/1117) Бақара сурасининг 79-оят тафсирида шундай ёзади: Мухаммад (алайхиссалом) Мадинаға келганларидан кейин яҳудий уламолари ўз диндошларининг янги Пайгамбарға эргашиб кетмасликлари учун Тавротдаги Мухаммад (алайхиссалом)нинг сифатларига доир оятларни ўзгартирганлар. Масалан, ундаги «Юзи чиройли, сочи кўркам, кўзлари сурма тортилгандек қора, сарвқомат» деган жумлалар ўрниға «Новча, кўккўз, сочи силлик» деб ёзганлар. Демак, мусулмонларнинг имомлари Куръон оятларини ўқиб пул олишларига мазкур ояти каримани далил сифатида асло келтириб бўлмади. Унинг учун бошқа далиллар керак бўлади.

2. Баъзи кимсалар дуоларда тавассул этиш харом деб Аллох таолонинг кофирлар шаънида ва уларға хитобан нозил қилган Аллох билан банда орасида бирор нарсани восита қилишлари баён этилган бир қанча ояти карималарни далил сифатида келтирадилар. Жумладан, мусулмонларнинг ўз дуоларида Пайгамбар (алайхиссалом) ва баъзи авлиёларни тавассул қилаётганларини кўриб: «(Эй, Мухаммад! Мушрикларға) айтинг: «Уни (Аллохни) кўйиб (илох) деб гумон қилган (маъбуда)ларингизға илтижо этингиз-чи, улар сизлардан бирор зарарни арита олармиканлар ва (уни) буриб юбора олармиканлар?! Улар (илох деб) илтижо қилаётганларнинг ўзлари ҳам Парвардигорға қайси биридир яқинроқ бўлишға йўл излайдилар...» (Исро сураси, 56-57 оятлар) ва «(Эй, Мухаммад! Мушрикларға) айтинг: «Сизлар Аллохдан ўзға (илохлар деб) гумон қилган (бут)ларингизға илтижо қилаверингиз! Улар на осмонларда ва на Ерда бир зарра вазнича (нарса)ға эға эмасдирлар ва улар учун шериклик ҳам йўқдир ҳамда улардан Унга бирор мадақкор ҳам йўқ (ва керак ҳам эмас)дир» (Сабаъ сураси, 22-оят) каби оятларни далил қилиб, тавассулни харом, балки ширки акбар деб «гавго» кўтарадилар. Холбуки, мусулмонлар тавассул деганда, Пайгамбар (алайхиссалом) ва баъзи авлиёларнинг номини табаррук сифатида тилға олиб, уларнинг хурматидан дуоларини ижобат этишини Аллохнинг ўзидан сўраб, ўзига дуо қилишни тушунадилар ва шунға амал қилиб келадилар. Имом Бухорий ривоят қилишича, Хазрати Умар (розияллоху анху) ёмгир

сўраб дуо килганида Хазрати Аббос (вафоти 32/653) (розияллоху анху)ни тавассул килиб дуо килган эканлар. Бундай тавассул килишни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг ўзлари тавсия килганлар.

Усмон ибн Ханиф (тахминан вафоти 44/665) (розияллоху анху) ривоят килишича, бир кўзи кўр кимса Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг ёнларига келиб, «Кўзим очилиши учун дуо килинг!» деди. Сарвари олам (соллаллоху алайхи васаллам) унга кўзи очилиши учун ушбу дуони ўргатдилар: «Аллохумма инний асъалука ва атаважжаху илайка би-набиййика Мухаммадин набиййи-р-рохмати. Ё Мухаммаду! Инний атаважжаху бика ило Роббий фий хожатий хазихи ли-такзийа лий. Аллохумма шаффиъху фиййа!» (Эй, Аллохим! Албатта, мен Сендан сўрайман! Сенга Сенинг рахмат Пайгамбари Мухаммад набийинг билан таважжух киламан! Эй, Мухаммад! Албатта, мен Сиз билан Роббимга ўзимнинг бу хожатим борасида юзланаман! Токи, менга хожатим равон килингай. Эй, Аллохим! Мен тўғримда Ул Зоти шарифни шафоатчи килгин!). У киши дуо килган эди, Аллох таолонинг хукми ва кудрати билан унинг кўзи очилди. Ушбу хадисни Имом ат-Термизий сахих деган. Имом ан-Насоий ва Ибн Можжа ҳам ривоят килганлар. Имом Хоким (933-1015) «Мустадрок» асарида Шайхайн, яъни Имом Бухорий ва Имом Муслим (821-875) шартларига кўра мазкур хадисни сахихдир, деган. Имом Байхакий (вафоти 458/1066) «Далойил ан-нубувват», «Китоб ад-даъавот» асарларида сахих исноди билан ривоят этган. Асхоби киром ўзларининг хожатлари учун ушбу дуони ўқишни одат килган эдилар. Бундай дуо килиш Сарвари коинот (алайхиссалом) ват-таслимотнинг хаётлик даврларига хос эмас эди. Жаноби Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг хаётлик вақтларига хос бўлганда эди, асхоби киром унга амал килмаган бўлардилар. Усмон ибн Ханиф (розияллоху анху)нинг ўзи яна ривоят килади: Усмон Зуннурайн (575-656) (розияллоху анху)нинг халифалик даврларида бир кишининг халифага иши тушган эди. Халифанинг унга эътибор беришга вақти бўлмади. Усмон ибн Ханифга у киши бу ҳақда айтганида, унга Ибн Ханиф мазкур дуони ўргатди. Уни ўқиши билан халифа унинг хожатини раво килишга киришди. Бу воқеани Имом Табароний (873-973) бир канча йўллар ила мўътабар санад билан ривоят килган. «Муъжам ул-кабир»нинг 15 жузъида Усмон ибн Ханиф таржимаи холида булар зикр этилган. «Муъжам ус-сагир»да ҳам булар зикр этилган. Мухаддислар бу хадисни «Ман кона лаху хожатун илаллохи таоло ав ило ахадин мин холкихи» («Кимнинг Аллох таолога ёки махлуқотидан бирор кимсага хожати бўлса») деган бобда зикр килишган. Ибн Хажар ал-Хайтамий (вафоти 974/1567) «Хисн ал-хасин» китобида бундай дейди: «Кимнинг зарурий иши бўлса, бас, тахорат килсин. Тахоратини гўзал адо килиб, сўнг икки ракъат намоз ўқисин. Кейин «Аллохумма инний асъалука...» дуосини охиригача ўқисин!» Мавлоно Алий ал-кори (вафоти 1014/1606) ушбу асарга ёзган шарҳида «зарурий иши» сўзига изох бериб: «Яъни бу Аллохга илтижо киладиган ёки унинг халкидан бировга иши тушадиган хожати бўлса», дейди.

Юкорида зикр этилган хадиси шарифларни далил килиб ахли суннат вал-жамоа уламолари тавассулни мутлако жоиз дейдилар, яъни тирик одамни ҳам, ўлиб кетган одамни ҳам дуода тавассул сифатида тилга олиш мумкин. Бу харом ёки ширк эмас. Чунки оят карималарда дуоларда Аллохдан бошкани кўшмаслик, ўртага восита аралаштирмаслик кабилар мушрикларга хитобан айтилган ва бунинг тавассулга алоқаси йўқ.

Оятнинг нозил бўлиш сабаби у бирор воқеа содир бўлган ёки бўлаётган ёхуд энди бўладиган ходиса вақтида унинг ҳукмини баён қилиб, хабари айтилиб келганидир. Янада аниқроғи сабаб иккита бўлади: Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг замонларида бўлиб ўтган ходиса ёки юзланган савол сабабидан Аллох таоло тарафидан ўша ходиса баёнини ёки саволга жавоб бериш маъносидаги оятнинг нозил бўлишидир. Оятнинг нозил бўлишига сабаблар бир неча хил ҳолат бўлиши мумкин:

1. Бирор бир ноҳуш ҳато сабабидан оят нозил бўлиши. Масалан, маст одамнинг бошқаларга намозда имомга ўтиши ва натижада фотиҳа сурасидан кейин кофирун сурасида «Лаа» лафзини ташлаб ўқигани сабабли Нисо сурасидаги маст ҳолатда намозга яқинлашмаслик ҳақидаги буйруқ оятининг (Нисо сураси, 43-оят) нозил бўлиши каби.

2. Аллохдан бирор ҳукмнинг келишини ниҳоятда хоҳлаш ва исташ оқибатида оят нозил бўлиши. Имом Бухорий Ҳазрати Умар (розияллоху анху)нинг гапини келтирган: «Уч нарсада роббимга мен мувофиқ келдим. «Ё Расулulloх, Иброҳим мақомини намозгоҳ қилиб олсак-чи!» дедим. Бақара сурасининг 125-ояти нозил бўлди. «Ё Расулulloх, хотинларингиз олдига яхши ҳам, ёмон ҳам қиради. Уларга хижобланишни амр қилинг!» дедим. Хижоб ояти нозил бўлди (Ахзоб сурасидаги 53-оят). Рашк қилиб хотинлари Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га жам бўлиб келишди. Мен уларга: «Агар Сизларни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) талок қилсалар, шояд, Парвардигори унга Сизлардан яхшироғини кўрсатса!» дедим. Мана шундай маънодаги оят нозил бўлди (Таҳрим сурасидаги 5-оят).

3. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га қилинган саволларга жавоб тариқасида оят нозил бўлиши. Саволнинг маъносига кўра учга ажратамиз.

— Ўтиб кетган ходисага оид бўлиши мумкин. Масалан, Зулқарнайн ҳақидаги савол: Каҳф сурасининг 83-ояти.

— Ҳозирда билиш зарур бўлган ишга оид бўлиши мумкин. Масалан, руҳ ҳақидаги савол: Исро сурасининг 85-ояти.

— Келажакка оид бўлиши мумкин. Масалан, қиёмат ҳақидаги савол: Аъроф сурасининг 187-ояти.

Юқорида биз бирор ходиса ёки савол сабабидан оят нозил бўлиши оятнинг нузул сабаби деган эдик. Шунини таъкидлаш лозимки, нозил бўлаётган оят ўша сабабдан сўнг дарҳол ёки бир неча муддатдан сўнг нозил бўлиши мумкин. Жумладан, курайшлиқлар руҳ, Асхоби каҳф ва Зулқарнайн ҳақидаги саволга Жаноби Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Сизларга эртага хабарини бераман», деганлар. Иншааллох, демаганликлари учун адаб бериш маъносида Аллох таоло бир оз муддат ваҳийни тўхтатиб қўйди. Расули ақрам (алайхиссалом) жуда қийин аҳволга тушиб қолдилар ва ниҳоятда сиқилдилар. Уч кун ёки ўн беш кун ёхуд қирқ кундан сўнг мазкур саволларнинг жавоби ўларок ояти қарималар ваҳий қилинди. Аллох таоло Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га бундай деб адаб берди: «Бирор нарса ҳақида: «Мен, албатта, эртага шунини қилувчиман», дея кўрманг! Илло, «иншааллох (Аллох хоҳласа)», денг. Бу сўзни унутган вақтингизда (ёдингизга келиши билан) Роббингизни зикр қилинг (яъни «иншааллох», денг) ва: «Шояд, Роббим мени бундан ҳам яқинроқ Тўғри йўлга хидоят этса», денг!» (Каҳф сураси, 23-23-

оятлар).

Оятларнинг нозил бўлиш сабабини билиш факатгина саҳих накл билан бўлади. Хадис ёки саҳоба ва тобеинларнинг гаписиз ўзича оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида гапириш ҳалол эмас. Зотан, Имом ал-Воҳидий накл қилганидек, (Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай деганлар:

«Хадис борасида такво қилинлар, билган нарсангизнигина гапиринг. Зеро, қимқи менга нисбатан қасддан ёлгон гапирса, жойини дўзахдан ҳозирлайверсин! Қимқи Куръонга илмсизлигидан ёлгон сўзласа, бас, жойини дўзахдан ҳозирлайверсин!»

Шунга кўра, оятнинг нозил бўлиш сабаби саҳобадан накл қилинган бўлса, у макбулдир. Гарчи ушбу сабаб борасида саҳобалар ўртасида ҳар хил гап бўлса ҳам барча саҳобалар сика-ишончли бўлганликлари боис уларнинг гапларини эътиборга олиш лозим бўлади. Шунингдек, тобеиннинг саҳобага суянмасдан хадис деб айтган гапи ҳам бу борада марфуъ ўларок макбулдир. Зотан, оятнинг нозил бўлиш сабабини аниқ қилиб айтаётган тобеиннинг гапига ривоят исноди муқаммал етиб бораётган бўлса, уни қабул қилишдан ўзга илож йўқ. Чунки саҳобалардан таълим олган баъзи тобеинлар тафсири соҳасида етук муфассир даражасига етганлар. Макка тафсири мактабидан етишиб чиққан Саид ибн Жубайр (вафоти 95/714), Мужоҳид (вафоти 104/723), Иқрима (вафоти 104/723), Товус (вафоти 106/725), Ато ибн Абу Рабоҳ (114/733), Мадина тафсири мактабидан етишиб чиққан Абул Олия (вафоти 90/709), Муҳаммад ал-Қуразий (вафоти 118/736), Зайд ибн Аслам (вафоти 136/754), Ирок тафсири мактабидан етишиб чиққан Алқамма ибн Қайс (вафоти 61/681), Масрук (вафоти 63/683), ал-Асвад ибн Язид (вафоти 75/695), Мурра ал-Ҳамадоний (вафоти 76/696), Омир аш-Шаъбий (вафоти 109/728), Ҳасан Басрий (110/729), Катода (вафоти 117/736) каби тобеинлар табақасидан бўлмиш муфассирлар борки, уларнинг оятларнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида айтган гаплари бир-бирларини тўлдириб, қувватлаб келади ва эътиборга моликдир.

Демак, саҳоба ва тобеинлар қавли, шунингдек, Куръоннинг ўзида ва Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг хадисларида, ҳусусан, тафсири китобларида оятнинг нозил бўлиш сабаби: «Оятнинг нозил бўлиш сабаби – мана бу» деган гапнинг сарохатан айтилиши ёки оят нозил бўлиши сабаб бўлган ходиса баёнидан сўнг »демак,...» деган сўзнинг келиши ёхуд «Бу борада оят нозил қилинди», деган иборанинг ишлатилиши билан билиб олинади. Ровийнинг ҳикояти ичидаги ишорадан ёки «Мен бу оятнинг нозил бўлишига мана бу нарса сабаб бўлса керак, деб ҳисоблайман» каби иборалар оят нозил бўлишига ўша нарса сабаб бўлишининг эҳтимолини қучайтиради. Бирок унга қўшимча далиллар керак бўлади.

Шуни билмок керакки, гохида оят битта бўлиб, унинг нозил бўлиш сабаби бир неча хилда кўрсатилиши мумкин. Бунда тўрт хил кўриниш бор: кўрсатилган сабабнинг биттаси сахих, биттаси гайри сахих бўлади; иккови ҳам сахих-у, ривоят жихатдан бири бошқасидан устунрок бўлади; иккови ҳам сахих-у, бир-бировидан устунлик йўқ, шунинг учун икковини ҳам биргаликда олиш мумкин бўлади; иккови ҳам сахих-у, бир-бировидан устунлик йўқ, бироқ икковини биргаликда олиш мумкин бўлмайди.

Биринчи суратда кўрсатилган сабабнинг биттаси сахих, биттаси гайри сахих бўлади. Сахих ривоят гайри сахих ривоятни рад қилади ва сахих ривоят қабул қилинади. Имом Бухорий ва Имом Муслим ва бошқа мухаддислар Жундаб розияллоху анхудан ривоят қилишлари, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) бир ёки икки кеча (тунги ибодатга) туrolмаганликларидан шикоят қилдилар. Шунда бир аёл келиб, деди: «Ё Мухаммад, Сизнинг шайтонингизни фақат Сизни тарк қилганини кўрмокдаман-ку!» Бас, Аллох нозил қилди: «Қасамёд этурман чоштгоҳ вақти билан ва (ўз зулмати билан атрофни) коплаб турган тун биланки, (эй, Мухаммад!) Роббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ!» (Зухро сураси, 1-3 оятлар). Табароний ва Ибн Аби Шайба (вафоти 235/849)лар Хафс ибн Майсара (вафоти 181/798)дан, у онасидан у эса Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг ходимаси бўлган ўз онасидан ривоят қилишлари, кучук боласи Пайгамбар (алайхиссалом)нинг уйларига кириб, қаровот остида кириб ўлиб қолибди. Пайгамбар (алайхиссалом)га тўрт кун вахий нозил бўлмасдан кечикди. Шунда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Эй Хавла, Расулulloхнинг уйида нима бўлмокдаки, Жаброил менга келмай кўйди?» дедилар. Бас, ўзимча: «Уйни тозалаб, супуриб-сидирсам» дедим-да, супурги билан қаровотнинг тагини тозаламокчи бўлдим, шунда кучун боласини чиқариб олдим. Пайгамбар (алайхиссалом) келдилр, ияқлари қалтирар эди. Қачон унга вахий нозил бўла бошласа, ул Зотни қалтирок тутар эди. Шунда Аллох «Ваззухо»ни «Фатарзо»гача нозил қилди. Бу ерда биз биринчи ривоятни оятнинг нозил бўлиш сабаби борасида иккинчисига нисбатан муқаддам тутамиз, чунки иккинчи ривоятнинг иснодида ровийлардан танилмаган кимса бор. Аллома Ибн Хажар Асқалоний (вафоти 852/1449) ҳам шундай деган.

Иккинчи сурат иккови ҳам сахих-у, ривоят жихатдан бири бошқасидан устунрок бўлади. Биз бунда ривоят жихатдан устунрок бўлган сабабни истеъмол қиламиз. Ровийлардан бири бошқасига нисбатан ўша оят нозил бўлишга сабаб бўлган ходисани ўз кўзи билан кўрган, мушохада қилган бўлиши мумкин. Унинг мисолини Имом Бухорий Ибн Масъуд (590-653) (розияллоху анху)дан ривоят қилган: «Мен Мадинада Пайгамбар (алайхиссалом) билан бирга кетаётган эдим. Ул Зот хурмо чивигига суяниб олган эдилар. Шунда яхудийлардан бир гурухи ўтиб қолди. Улардан баъзиси Ундан (бирор нарса) сўранглар, деди, бас, «Бизга рухдан гапириб беринг!» дейишди. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) бироз муддат (жимгина) туриб қолдилар. Бошларини кўтарганларида, мен ул Зотга вахий келаётганини билдим. Хатто вахий тушиб бўлди, сўнг Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) (мана бу оятни) дедилар: «(Эй, Мухаммад!) Сиздан рух хақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух фақат Роббимнинг ишидандир». Сизларга эса оз илм берилгандир» (Исро сураси, 85-оят). Энди, Имом Термизий (824-892) сахих деб Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилган ҳадиси шарифда бундай дейилади: «Қурайш қавми яхудийларга: «Бирон нарса берсанглар (ўргатсанглар), бу кимса (Расулulloх)дан

бир нарса сўрасак», дедилар. Бас, улар рух хакида ундан сўранг», дейишди. Улар шуни сўрадилар, Аллох таоло: «Сиздан рух хакида сўрайдилар» оятини нозил килди». Бу ердаги иккинчи ривоятдан ходиса Маккада бўлиб ўтгани билинмоқда. Оятнинг нузули Курайшликларнинг саволи сабабли бўлгани айтилди. Биринчи ривоятда эса сарохатан Мадинада бўлиб ўтган воқеа сабабли оят нозил бўлгани зикр этилди. Биринчи ривоят икки вахждан иккинчисига нисбатан устунрок хисобланади. Биринчисини ривоят килган Имом Бухорий, иккинчисиники Имом Термизий. Имом Бухорийнинг ривоятлари барча мухаддислар ривоятларидан устунрок эканлиги хаммага маълум. Биринчи ривоятнинг ровийси Ибн Масъуд воқеанинг бошидан охиригача ўз кўзи билан кўрган ва шу жойда бўлган. Бу эса ривоятнинг афзаллигини билдиради. Иккинчи ривоят ровийси Ибн Аббос ўша кассада иштирок этгани билинмайди. Мана шу далилларга суяниб, биз биринчи ривоятни устун деб хисоблаймиз ва оят нозил бўлиш сабабида ўша ривоятни қабул киламиз.

Учинчи суратда оят нозил бўлишига сабаб килиб кўрсатилган ривоятлар саҳихлиги тенг бўлиб, уларнинг бир-биридан устун жихатлари йўқ, шу билан бирга, ўша икки ривоятни ҳам қабул қилишимиз мумкин бўлади. Яъни икки воқеа бирданга ёки одинма-кетин юз берган, унинг изидан дархол ёки тезда оят нозил қилинган бўлади. Сабабларнинг бир неча бўлиши уларни қабул қилмаслигимизга далил бўла олмаслиги мана шу ерда англашилади. Демак, бу суратдаги далилимизни Имом Бухорий Икрима (вафоти 13/634) орқали Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилган. Хилол ибн Умайя ўз хотинини Шарик ибн Сахмо билан тутиб олганликда Пайгамбар (алайхиссалом) олдиларида айблади. Шунда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Хужжат ёки оркангга хадд (дарра)!» дедилар. У деди: «Ё Расулаллох! Бизлардан бирларимиз хотинини бир киши билан тутиб олса, қачон қайтиб хужжат излаб юрар экан?!» Бир ривоятда у деди: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга касамки, мен содик (тўғри гапирмоқда)ман. Кошки эди, Аллох таоло менинг оркамни хаддан озод қиладиган (оятлар) нозил қилса!» Бас, Жаброил (алайхиссалом) тушиб келди ва (мана бу) оятни нозил қилди: «Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган холда ўз хотинларини (бузук деб) бадном қиладиган (эр)ларнинг ҳар бири ўзини, албатта, мен ростгўйлардан деб, Аллох номига тўрт (марта) гувоҳлик бериши (талаб қилинади). Бешинчиси (яъни гувоҳлиги): «Агар ёлгончилардан бўлсам, менга Аллохнинг лаънати бўлсин!» (дейишидир). «У (яъни эрим) албатта, ёлгончилардан», – деб Аллох номига тўрт марта гувоҳлик бериши, ундан (аёлдан) жазони даф қилур. Бешинчиси (яъни гувоҳлиги): «Агар (эрим) ростгўйлардан бўлса, унга (менга) Аллохнинг газаби бўлсин!» (дейишидир)» (Нур сураси, 6-9 оятлар).

Имом Бухорий ва Имом Муслим Сахл ибн Саъд (614-710) (розияллоху анху)дан ривоят қилади: Уваймир ибн Абяз (вафоти 11/633) Бани Ажлон кавмининг улуги Осим ибн Адий (547-666) олдиға келиб: «Хотинини бир қимса билан тутиб олган киши хакида нима дейсизлар, уни ўзи ўлдирадими ёки сизлар ўлдирасизми? Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан бу ҳақда мен учун сўраб беринг», деди. Осим Пайгамбар (алайхиссалом) олдиларига келиб: «Ё Расулаллох!» деб уни сўради. Имом Муслим ривоятида Осим Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан сўраганида ул Зоти шарифга бу савол ёкмади ва уни айбладилар. Бас, Уваймир айтади: «Аллохга касамки, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан ўша саволни ўзим сўраганимча тинчимайман!» Сўнг Уваймир келиб: «Эй, Аллохнинг элчиси! Бир киши хотинини бир қимса билан бирга топса, уни ўзи ўлдирадими ёки сизлар ўлдирасизларми ёхуд нима қиласизлар?» Шунда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) дедилар: «Аллох

Куръонни сен ва сохибанг (хотининг) хакида оят нозил килар!» Бас, (ўшандан кейин оятлар нозил бўлганидан сўнг) икковига Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) Аллох китобида айтган тарзда бир-бирларига лаънат айтишга буюрдилар, улар лаънат айтишишди».

Мазкур икки ривоят сахих бўлиб, бир бошқасидан устунлик жихати кўринмайди. Юкорида ўтган икки ходиса ҳам бир-бирига якин вақтда содир бўлганини эътибор килиб, икки ривоятни ҳам қабул қиламиз. Мана шундай қилганимиз бир ривоятни олиб, бошқасини олмагандан яхшироқ, албатта. Икковини тарк қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ, чунки иккови ҳам сахих.

Тўртинчи суратда иккови ҳам сахих-у, бир-бировидан устунлик йўқ, бироқ икковини биргаликда олиш мумкин бўлмайди. Чунки кўрсатилган сабаблар ораси бир-биридан узок бўлгани учун уларни бирга олиб бўлмайди. Шунинг учун оятни мана шу икки ривоят орқасидан бир марта ёки такроран нозил қилинган, деб ҳисоблаймиз. Бунинг мисолини Имом Байхакий ва Баззор (вафоти 292/905) Абу Хурайра (602-679) (розияллоху анху)дан ривоят қилганлар: Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) Ҳамза (568-624)

(розияллоху анху) шаҳид қилиниб, бўлақларга бўлинган холда унинг тепасида туриб дедилар: «Сенинг ўрнингга у (кофир)лардан етмиштасини поралаб ташласам».

Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) турар эканлар, Жаброил Нахл сурасининг охирларини нозил қилди: «(Эй, иймон келтирганлар! Агар интиком олмоқчи бўлсангиз, у холда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиком олингиз! Агар (интиком олмай) сабр қилсангиз, албатта, бу сабр қилувчи кишилар учун яхшироқдир. (Эй, Мухаммад!) Сабр қилинг. Сабр қилишингиз эса фақат Аллох (ёрдами) билангина мумкин дир. Уларга (яъни мушрикларнинг қилмишлари сабабли) гамгин бўлманг!

Уларнинг макр қилишларидан сикилманг ҳам! Зотан, Аллох такволи бўлганлар ва эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) биргадир» (Нахл сураси, 126-128 оятлар). Имом Термизий ва Хоқимлар Убай ибн Каъб (вафоти 32/653) (розияллоху анху)дан ривоят қиладилар: Ухуд газоти бўлганда ансорийлардан олтмиш тўрт ва мухожирлардан олти нафари шаҳид бўлди, улар орасида Ҳамза ҳам бор эди, уни пора-пора қилган эдилар. Ансорлар деган эдилар: «Агар бизга яна шундай кун (жанг қилиш имкони) келса, уларга зиёдаси билан жавоб берурмиз!» Макка фатҳи куни бўлганда, Аллох «Ва ин ъакобтум...» оятларини нозил қилди.

Биринчи ривоятдан ояти карима Ухуд газоти кунида нозил бўлгани англашилмоқда.

Иккинчи ривоятдан эса Макка фатҳи куни оят нозил қилингани билинди. Бу икки ходисанинг орасида бир неча йиллар борлиги маълум. Орадаги вақтнинг узоклиги учун икки ходисадан сўнг оят нозил қилинганига ҳам ишониш қийин. Шунингдек, оятнинг Ухуд газотидан сўнг Макка фатҳи куни такрор нозил бўлгани хакида далилимиз ҳам йўқ.

Баъзи уламолар Нахл сурасининг ҳаммаси Маккий (Маккада нозил қилинган) сура, деганлар. Суранинг охирги уч ояти Маккада қайта нозил бўлган, дейдилар улар. Баъзи уламолар эса Нахл сурасининг ҳаммаси охирги уч оятдан ташқари Маккада нозил қилинган, дейдилар.

Оятларнинг такрор нозил қилинишида жуда катта хикматлар борлиги шубҳасиздир.

Юкоридаги Нахл сурасининг охирги уч оятининг мазмунида инсониятнинг амал қилиши лозим бўлган буюқ ҳақиқатларга даъват мавжуддир. Бинобарин, мазкур уч оят қайта-қайта нозил қилиниши мусулмонларнинг амал қилишига, эслаб қолишига бир имкониятдир. Худди шундай, такроран нозил қилинган оятларнинг даражаси бошқаларидан анча улугроклигини таъкидлаш мақсадида ҳам оятлар қайта нозил

килиниши мумкин. Жумладан, Сураи Фотиханинг икки катла нозил килинишини эслашимиз мумкин. Имом ас-Суютий «ал-Иттикон фий улум ал-Куръон» асарида айтишига караганда, Ихлос сураси ҳам Макка ва Мадина мушрикларининг саволига жавоб тариқасида икки марта нозил килинган. Мана шу хилда рух ояти (Исро сураси, 85-оят), Рум сурасининг аввали ҳам такроран нозил бўлганини уламолар аниқлашган. Юкорида биз бир неча сабаб билан бир оят нозил килинишини кўрдик, баъзида бир сабаб билан икки ва ундан кўп оятлар нозил килинганига ҳам гувоҳ бўламиз. Бунда халқни хидоят қилиш, хожат вақтида ҳақиқатни баён этиш, одамларни ишонтириш каби ҳикматлар яшириндир.

Бир сабаб билан икки оят нозил бўлганига мисол шуки, Ибн Жарир Табарий ва Табароний Ибн Аббос (розияллоху анху)дан қилган ривоятларида айтилади. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) дарахт соясида ўтириб дедилар: «Яқинда сизларга шайтоннинг икки кўзи билан қарайдиган инсон келади, у келса, унга гапира кўрманглар!» Хали (сахобалар билан бирга) туриб кетмовдилар, икки кўзи кўм-кўк киши келиб қолди. Бас, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) уни чақирдилар ва дедилар: «Нима учун мени сен ва асхобинг сўқдиларинг?!» У кимса кетиб, асхоби билан қайтиб келди-да, айтганларига Аллохга қасам ичдилар, ҳатто Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) улардан (гуноҳларини) ўтдилар. Бас, Аллох нозил қилди: «(Ёмон сўз) айтмадик, деб қасам ичадилар. Ваҳоланки, қуфр сўзини айтганлар ва Ислом (динини қабул қилган)ларидан кейин (яна) қуфрга қайтганлар ҳамда ета олмаган нарсаларига қасд қилганлар. Аллох ва (Унинг) Расули уларни (Пайгамбар ва сахобаларини) фазли (ўлжалар) билан бойитиб қўйгани учунгина (мунофиқлар) уларни ёқтирмадилар. Бас, агар тавба қилсалар, ўзлари учун яхши. Бордию бош тортсалар, Аллох уларни ҳам бу дунё, ҳам охирада аламли азоб билан азоблагай. Ер (юзи)да уларга на бир дўст ва на ёрдам берувчи бор» (Тавба сураси, 74-оят). Энди айни шу ҳикоятни Имом Аҳмад (780-855) ва Ҳокимлар ҳам келтириб, Аллох бошқа бир ояти қаримани нозил қилганини айтадилар: «У қунда (киёматда) Аллох уларнинг барчаларини қайта тирилтирганда, улар худди сизларга ҳозир қасам ичаётганларидек, У Зотга ҳам қасам ичурлар ва ўзларига (қасамлари сабабли) бирор нарса (фойда) бўлади, деб ҳисоблайдилар. Огоҳ бўлингизки, албатта, улар айнан ёлгончилардир! Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллохнинг зикрини унуттирди. Ана ўшалар шайтоннинг хизби (ғуруҳи)дирлар. Огоҳ бўлингки, албатта, шайтоннинг хизби зиён кўрувчидир!» (Мужодала сураси, 18-19 оятлар). Демак, юкоридаги битта сабаб билан бу ердаги икки сурадаги икки оят нозил қилинган экан.

Битта сабаб билан иккитадан кўп оятлар нозил қилинган ҳолатлар ҳам бўлган. Бунга мисол тариқасида Имом Ҳоким ва Термизийлар Умму Салама (розияллоху анху)нинг ҳадисини келтирадилар. У: «Эй, Расулulloх! Хижрат борасида Аллохнинг хотинларни зикр қилганидан ҳеч нарса эшитмадим», деган. Шунда Аллох таоло Оли Имрон сурасидаги ояти қаримани нозил қилган: «Бас, Парвардигорлари уларни (дуоларини) ижобат этиб, (деди:) «Албатта, Мен сизлардан амал қилувчининг – ҳоҳ эркак бўлсин ва ҳоҳ аёл бўлсин – амалини зое қилмасман. (Маккадан) хижрат қилган, юртларидан бадарга қилинган, Менинг йўлимда азият чеккан, жанг қилган ва катл этилганларнинг гуноҳларини қаффорат қилурман ва Аллохнинг муқофоти сифатида уларни остиларидан анхорлар оқиб турадиган, абадий яшаладиган жаннат (боғлари)га киритурман. Аллохнинг ҳузурида (мўминлар) учун яхши савоблар (бордир)» (Оли Имрон сураси, 195-оят). Имом Ҳокимнинг яна бир ривоятида Умму Салама онамиз (розияллоху

анхо) деган: «Эй Аллохнинг элчиси, эркакларни (Сиз ва Аллох таоло иккинги кўпроқ) зикр килаверасиз, аёлларни зикр килмайсиз». Шунда Аллох таоло Оли Имрон сурасидаги 195-оят билан бирга бу оятни нозил килган: «Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар, садака килувчи эркаклар ва садака килувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (харомдан) сакловчи эркаклар ва авратларини (харомдан) сакловчи аёллар, Аллохни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллохни кўп зикр этувчи) аёллар – улар учун Аллох магфират ва улуг мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб кўйгандир» (Ахзоб сураси, 35-оят). Имом Хоким яна бир ривоятда Умму Салама онамиз (розияллоху анхо) деган: «Эркакларни газотга буюрасиз, аёлларни газотга юбормайсиз. Бизларга (эркакларга нисбатан) мероснинг ярми тегади...». Шунда Аллох таоло Ахзоб сурасидаги 35-оят билан бирга мана бу оятини нозил килган: «Аллох бирингизни бирингиздан бирор неъмат билан ортик килиб кўйган бўлса, сизлар уни (хасадгўйлик билан) орзу килманг! Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар. (Хасад килиш ўрнига) Аллохнинг фазлидан сўрангиз. Албатта, Аллох ҳамма нарсани билувчидир» (Нисо сураси, 32-оят).

Битта шахс туфайли бир неча оятлар нозил килинган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, ашараи мубашшара (ўн нафар жаннат башорати берилган зотлар) жумласидан бўлмиш Саъд ибн Аби Ваккос (590-674) (розияллоху анху) сабабидан Аллохдан тўртта ҳукм тушгани маълум. Буни Имом ал-Бухорий ўзининг «ал-Адаб ал-муфрэд» асарида у Зотдан накл килинган: Саъд ибн Аби Ваккос айтади: «Аллох азза ва жалланинг китобидан мен ҳакимда тўртда оят тушган. Онам Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)дан айрилгунимча емасликка ва ичмасликка касам ичган эди. Бас, Аллох таоло: «Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик килишга зўрласалар, у холда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муомалада бўлгин...» (Лукмон сураси, 15-оят) оятини нозил килди. Иккинчиси, мен (ўлжага тушган) бир килични ушлаб кўрган эдим. У менга жуда ёкиб колди, мени жуда ажаблантирди, шунда: «Эй Расулуллох, бу килични менга беринг!» дедим. Бас: «Сиздан (эй, Мухаммад!) ўлжалар ҳақида сўрайдилар...» (Анфол сураси, 1-оят) нозил килинди. Учинчиси, мен касал бўлиб колдим, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) мени кўргани келдилар. «Эй Аллохнинг элчиси, мен молимни таксимлашни ирода килдим. Ярмини (Аллохнинг йўлига) васият килайми?» дедим. У (Зоти шариф): «Йўқ» дедилар. Мен эса: «Учдан бирини (васият кила қолай)» деганимда, сукут килдилар. Шундан сўнг учдан бири (васият килишда) жоиз бўлди. Тўртинчиси, мен ансорийлардан бир гуруҳи билан май ичган эдим. Улардан бир киши мени урди... Бас, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг олдиларига (шикоят килиб) келдим. Шунда Аллох азза ва жалла майни ҳаром киладиган ҳукмларни нозил килди». Худди шу тарзда бир неча оятларнинг нозил бўлишига сабаб бўлиш Ҳазрати Умарда ҳам содир бўлган.

Куръон ҳукмлари ва маъноларини таҳқиқ килган уламолар баъзи оятларда сабаб хос бўлса ҳам, лафз умумий бўлиши ёки ҳукм умумий бўлиши мумкинлигини аниқлаганлар. Масалан, бировнинг «Денгиз сувига таҳорат олиш мумкинми?» деган саволига «Ҳа» ёки «Мумкин» деб берилган жавобда ўша киши ҳам, бошқалар ҳам денгиз сувига таҳорат олиши жоизлиги чиқади. Агар «Сенга мумкин» дейилса, факат савол берувчига денгиз сувига таҳорат олиши мумкин бўлар эди. Ояти карималарда ҳам шундай ҳолатлар кузатилади. Мисол тариқасида Лайл сурасидаги оятларни келтириш мумкин: «Такволи

киши эса ундан (дўзахдан) узоклаштирилур. Кайсики, у мол-давлатини (яхшилиқ йўлида) сарф киладиган бўлса. Унинг (сарф килувчининг) хузурида (зиммасида) бирор кимсага кайтариладиган неъмат йўқдир. У факат энг олий Зот бўлмиш Парвардигорининг «юзи»ни истаб (эхсон килур). (У) яқинда (киёмат куни ато этилажак мукофотдан) рози бўлур» (Лайл сураси, 17-21 оятлар). Мазкур ояти каримадаги «такволи киши» Абу Бакр Сиддик (571-634) (розияллоху анху) бўлиб, у Билол (вафоти 20/641) (розияллоху анху)нинг сотиб олиб, озод қилгани учун назарда тутилаётган эди. Бирок ҳукм умумий бўлиб, такволи ҳар қандай кимса, Абу Бакр Сиддикка ўхшаб иш тутса, унга оят каримада айтилган ваъдалар бўлади, албатта. Шунга ўхшаш зихор оятининг нозил бўлишига Авс ибн Сомит (583-655) (розияллоху анху) хотини Хавла бинти Ҳаким (розияллоху анху)ни зихор қилгани сабаб бўлган эди. (Бошқа ривоятда Салама ибн Саҳр (розияллоху анху) ўз хотинини зихор қилган эди). Бирок унинг ҳукми умумий бўлиб, хотинини зихор қилган барча мусулмонлар шу оятда кўрсатилган каффоратни тўлашга мужбурдирлар. Бирок хос сабаблардан умумий маъно олишда фикхий мазҳаблар орасида баъзи ўринларда фарқ борлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун хос сабаб билан нозил қилинган оятни хослаб олиш ёки уни умумий қилиб олиш ёки умумий лафз билан қелган оятни хослаб олиш мумкинлигини тафсир, усули фикх ва кўшимча фанларни чуқур ўрганиш орқали англанади.

Оятларнинг нозил бўлиш сабабларини топишда баъзида ортикча фикр билдиришлар ҳам учраб туради. Яъни баъзи бир Куръоний қиссаларни ана шу оятларнинг нозил бўлиш сабаби деб аташ кўзга ташланади. Бу унчалик тўғри эмас. Масалан, Ҳабашларнинг Маккага қелишларини Фил сурасининг нозил бўлиш сабаби, дейиш қабилар. Чунки бундай қиссалардан мақсад факат улардан умматларга хабарлар бериш, огохлантириш, ибрат олиш кўзда тутилган. Қиссининг ўзи оятнинг нозил бўлиши сабаби бўлмаган. Оятларнинг нозил бўлиш сабабларини ўрганган олимлар баъзи оятлар нозил бўлгандан анча кейин унинг ҳукми маълум бўлганлигини аниқлаганлар. Буни «оятнинг нузули ҳукмга муқаддам бўлиши» деб аталади. Яъни баъзи оятларнинг маъноси, ундаги ҳукм тушунарсиз, мужмал бўлиб туради-да, кейинрок оятнинг нимага қаратилгани, унинг ҳукми аниқрок ифодаланади. Бунга мисол тарикасида: «Нажот топувчи одам, хақиқатан, (куфр ва гуноҳлардан) пок бўлур» (Аъло сураси, 14-оят) ояти қаримасини қелтирадилар. Имом Байҳақий ривоят қилишича, Ибн Умар (розияллоху анху) ушбу ояти қаримани Рамазонда адо этиладиган фитр закоти хақида нозил қилинган, деган эканлар. Яъни нажот топувчи одам фитр закотини берур. Гап шундаки, Аъло сураси Маккада нозил қилинган. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) Маккада яшаган пайтлари хали Рамазон ҳам, унинг фитр садақаси адо этиладиган куни хайит ҳам буюрилмаган эди. Демак, оятдаги ҳукм мусулмонларга кейинчалик аниқ маълум қилинган. Имом Бағавий (вафоти 510/1117) ҳам шу маънодаги бир мисолни қелтиради: «(Эй, Мухаммад!) Мана шу шаҳар (Макка) билан қасамд этурман, холбуки, Сиз шу шаҳарда мавжуддирсиз» (Балад сураси, 1-2 оятлар) ояти қаримаси Маккада нозил қилинган. Гарчи хозирги ўзбек тафсирчи олимларимиз ояти қаримадаги «хилл»ни «мавжуд», «муқим», «яшаган» маъноларида қўллашган бўлса-да, лекин унинг «халол» маъноси ҳам бор. Оятнинг мазмунини «Тафсири Ибн Қасир», «Тафсири Насафий» ва «Тафсири Хусайний»ларда: «Сиз, Эй Мухаммад, Макка шаҳрига халолсиз, яъни унда қофирларни маълум муддат ўлдиришингиз мумкин ва бошқа умматларга халол бўлмаган ишлар ўша соатда сизга халол бўлади», деган маънода қўллашган. Оятда тилга олинган «хилл»нинг маъноси оят нозил қилинганидан ўн йиллар ўтгандан сўнг Макка фатх этилган куни зохир бўлди.

Хатто, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятида зикр килинишича, ўша куни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Кундуздан бир соат менга халол бўлди. Аллох ўз Расулига изн берди, сизларга бермади», деганлар. Яна бир мисол: «Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига караб кочиб колурлар» (Камар сураси, 45-оят) ояти каримаси Маккада нозил килинган бўлиб, Хазрати Умар кўп вақтгача: «Бу оятдаги жамоат кимлигини билолмадим-да!» деб юрганлар. Бадр газоти кунда кофирларнинг енгилиб қочаётганида Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ушбу ояти каримани унинг хақикий маъносини очиш мақсадида ўқиган эканлар. Аллох таолонинг: «Аллох (йўли)га даъват этган ва ўзи ҳам солих амал килиб, «Мен мусулмонлардандирман», – деган кишидан кўра ким чиройлироқ сўзловчидир?!» (Фуссилат сураси, 33-оят) деган ояти каримасини Ойша, Ибн Умар ва Икрима (розияллоху анхум)лар муаззинлар хақида нозил килингандир, деганлар. Холбуки, оят маккий бўлиб, азоннинг ўзи Мадинада машруъ бўлган.

Юкоридагилардан маълум бўлдики, баъзи ояти карималарнинг хақикий маъноси ва ундаги ҳукм кейинчалик маълум бўлган. Бундай ояти карималарнинг хақикий маънолари кейинги асрларда ҳам аниқланган ва уларнинг тўла маъноси ошқора бўлган. Жумладан, Куръонда баён этилган баъзи илмий хақиқатлар XX асрга келибгина маълум бўлди. Зотан, Куръони Каримнинг ҳукми киёматгача юрадиган муқаддас китобдир. Унинг янги-янги маънолари бундан кейин ҳам очилиб бораверади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, баъзи оятларнинг ҳукми келмасдан бурун, яъни шаръан расмийлаштиришдан аввал унга амал килиш олдинроқ бошланган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Таҳорат олиш, жума ўқиш кабиларни уммати Мухаммадий анча йиллар бажариб юрган. Ушбу амалларнинг расман фарз бўлиши кейинчалик Мадинада содир бўлди. Шунга ўхшаш закот фарз бўлгандан сўнг тўққиз йил ўтиб масрифи закот хақидаги оятлар нозил килинган. Демак, ўша даврдаги саҳобаларга закотни сарф қиладиган ўринлар маълум эди ва улар закотларини тўгри адо этишарди. Фақат мана шу амалларининг тўгрилиги шаръан оятлар ила расмийлаштирилди.

Хаммаси бирданига нозил килинган суралар, бўлиб-бўлиб нозил килинган суралар ҳам борлигини билиб кўйган яхши. Зухо сураси иккига бўлиб нозил килинган бўлса, Фотиҳа, Ихлос, Кавсар, Таббат, Лам якун, Наср, Фалак ва Нос биргаликда бир катлада нозил килинганлигини уламолар зикр қилишган. Шунингдек, аксар вақт ваҳийни фаришта Жаброил (алайхиссалом)нинг фақат ўзи келтирган бўлса, баъзида бир тўп фаришталар билан биргаликда келтирган. Жумладан, Фотиҳа сураси саксон минг фаришта, Оят ал-курсий ўттиз минг фаришта ҳамроҳлигида илохий ваҳий сифатида келтирилган эди. Шунга ўхшаш, баъзи ояти карималар ва суралар фақат бизнинг Пайгамбаримиз Мухаммад (алайхиссалом)га нозил килинган, баъзи оятларнинг мазмуни эса бошқа пайгамбарларга ҳам нозил бўлган эди. Фотиҳа сураси, Оят ал-курсий ва Бақара сурасининг охириги оятлари Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)гагина нозил килинган. Баъзи оятларнинг мазмуни Инжил, Таврот каби илохий китоблардаги маъноларга ўхшаш бўлиши ушбу оятлар ўтган пайгамбарларга ҳам нозил бўлганини билдиради.

Мадраса мударрислари ўз дарс бериш услубларида талабаларни кизиктирадиган хар хил услубларни ишга соладилар. Уларнинг дарсни шавк ва завк билан тинглашлари учун, ўтилаётган дарсларини кўп вақтгача эслаб колишлари учун харакат киладилар. Куръони Каримнинг тиловати ва тафсири хакида бўлаётган дарсларда оятларнинг нозил бўлиш сабабларини гапириб бериш, уларга оят нозил бўлишга сабаб бўлган ходиса ва саволларни айтиб бериш талабаларда дарсга нисбатан завк ва шавкни оширади. Дарс жараёни кизикарли ўтади, ўтилаётган дарслар кўп вақтгача эсда қолади. Бинбарин, мударрис ва устозларга дарс жараёнида оятларнинг нузули сабабларини гапириб, айтиб бериш жуда фойдалидир.

Имом-хатибларнинг ваъз-насихат килиш асносида ҳам бундай йўл тутиш тингловчиларга оятларнинг ҳукми тезроқ таъсир қилади, мавъизаларнинг таъсирчанлиги ошади. Демак, «Асбоб ан-нузул» фанининг тарбиявий ахамияти ҳам бекиёсдир.

Фойдаланган манбалар

«Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири» / Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. –Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –617 б.

Абул Баракот ан-Насафий. «Тафсир ан-Насафий». IV жилд. Хайъат ал-игоса: Нўъмон Ташкандий нашри, 1988. –388 б. ва хоказо.

Абул Фадо ибн Касир. «Тафсир ал-Куръон ал-азим». IV жилд. –Кохира: Дор ал-гадд ал-жадид, 2004. –540 б. ва хоказо.

Бадриддин Мухаммад ибн Абдуллох аз-Заркаший. «Ал-Бурхон фий улум ал-Куръон». IV жилд. –Электрон вариант: Мавкеъ Яъсуб. 446 б. ва хоказо.

Ёкут ал-Хамавий. «Мўъжам ал-булдон». VIII жилд. –Миср: 1906. –2518 б.

Жалолиддин Абдурахмон ас-Суютий. «Бугъат ал-вуот фий табакот ал-лугавийин ва-н-нухот». –Миср: 1908. –461 б.

Жалолиддин Абдуррахмон ас-Суютий. «Ал-Иттикон фий улум ал-Куръон».

Ибн Халликон. «Вафийёт ал-аъён. II жилд. –Миср: 1892. –527 б. ва хоказо.

Имом Бухорий. «Ал-Адаб ал-муфрад». –Тошкент: Мовароуннахр, 2006. –480 б.

Котиб Чалабий Хожи Халифа. «Кашф аз-зунун». II жилд. –Истанбул: 1893. –1253 б.

Манноъ ал-Каттон. «Мабохис фий улум ал-Куръон». – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1980. –400 б.

Мухаммад Абдулазим аз-Зарконий. «Манохил ал-ирфон фий улум ал-Куръон». I-жилд. –Миср: Дор ихё кутуб ал-арабия, 1943. –575 б.

Тожиддин ас-Субкий. «Табакот аш-шофиъия». VI жилд. –Миср: 1906. –340 б. ва хоказо.

Хусайн Воиз ал-Кошифий. «Тафсири Хусайний». –Бўмбай: Хайдарий матбааси, 1298. –955 б.

Шамсиддин аз-Захабий. «Табакот ал-хуффоз». IV жилд. –Хайдаробод: (йили кўрсатилмаган). –500 б. ва хоказо.

Хамидуллох Беруний